## Ўтган ҳафтага назар

**_Мамлакатимиз бош шаҳри — Тошкентдаги Мустақиллик майдони бугунги кунда халқимизнинг азалий орзуси бўлмиш Истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир. Майдонда охирги йилларда кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши ниҳоясига етказилмоқда._**

# ҚУВОНЧЛИ ВА ТАШВИШЛИ ДУНЁ

Бу каби улкан бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда ушбу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгаргани, балки унинг бутунлай янгича маъно-мазмун касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган ҳафта охирида Президентимизнинг «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ғояларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида бир қатор йўл-йўриқлар кўрсатилган.

29-30 январь кунлари Европанинг икки давлати — Буюк Британиянинг Ситинборн ва Грециянинг Салоники шаҳарларида кураш бўйича «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирлари ўтказилди. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек кураши қисқа муддатда жаҳон спорт майдонларига чиқди, кўпмиллионли ишқибозларини топди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозирда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатларида кураш федерациялари расман очилди.

Буюк Британияда олти йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур турнирда ҳар йили дунёнинг кўплаб полвонлари кашф қилинмоқда. Бу галги мусобақаларда Европа ва Осиё қитъасининг 10 га яқин давлатларидан келган ёшлар, ўспиринлар, катталар ва фахрийлар 26 вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Мамалакатимиз билан чегарадош бўлган Афғонистонда Толибон ҳаракати ағдарилганига уч йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, мамлакатда барқарорлик тўла ўрнатилди дея ишонч билан айта олмаймиз. Мамлакат иқтисодиётида ўнгланиш кўзга ташланмаяпти. Давлат бюджетининг 90 фоизи донор давлатларидан кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар ҳисобидан қопланмоқда. НАТО ва халқаро аксилтеррор коалициясининг тинчликпарвар кучлари саъй-ҳаракатларига қарамасдан Афғонистонда ҳали ҳам гиёҳванд моддалар етиштириш камаймаяпти.

Мамлакатда ҳар жиҳатдан ҳаётнинг изга тушиб кетиши нафақат минтақа, балки бутун дунё барқарорлигига катта хизмат қилади. Афғонистонга молиявий кўмак бериш мақсадида Лондонда донор давлатларининг икки кунлик конференцияси бўлиб ўтди. Унда БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ҳам иштирок этди. Йиғилишда расмий Кобулга беш миллиард доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди ҳамда Афғонистоннинг ташқи қарзларидан воз кечиш масаласи кўтарилди. Конференцияда иштирок этган Россия вакиллари Кремль расмий Кобулнинг 10 миллиард долларлик қарзидан воз кечишганлигини маълум қилишди.

Эроннинг ядровий дастури масаласи ҳафта мобайнида дунёнинг етакчи давлатлари вакиллари ўртасида ўткизлиган музокараларнинг бош мавзуси бўлди, десак хато бўлмайди. Дастлаб ҳафта бошида АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия давлатлари раҳбарлари Россия ва Хитой томонидан илгари сурилган таклифга розиб бўлишди. Унга кўра, ушбу дастур бўйича маълумотлар БМТ Хавфсизлик Кенгашига жорий йил мартдан сўнг, яъни МАГАТЭ томонидан Эроннинг ядровий дастури юзасидан тайёрланаётган ҳисобот эълон қилингандан кейингина берилади.

Бироқ, расмий Теҳроннинг ядровий дастурини қайта тиклаганлигини ва халқаро ҳамжамият тарафидан янграётган турли эътирозларга қарамасдан ўз сўзида собит туриши томонларни яна музокаралар столига етаклади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида Венада бўлиб ўтган икки кунлик МАГАТЭ бошқарувчилар кенгаши йиғилишида мазкур масалани БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига бериш яна бир бор кўтарилди. Эроннинг уранни бойитиш борасида олиб бораётган тадқиқотлари билан боғлиқ тортишувларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш юзасидан МАГАТЭ резолюцияси қабул қилинди. Аъзоларнинг 27 таси резолюция лойиҳасини қўллаб-қувватлаган бўлса, 3 таси қарши овоз берди. 5 нафари бетараф қолди.

Йиғилишда қатнашган Эрон делегацияси раҳбари, мамлакат миллий хавфсизлик Олий Кенгаши аъзоси Жавад Ваиди расмий Кремль томонидан ўртага ташланган, яъни уранни бойитиш ишлари Россия ҳудудида олиб бориш таклифини расмий Теҳрон томони бошқа кўриб чиқмаслигини маълум қилди. Бундан ташқари, Жавад Ваиди МАГАТЭ резолюциясига жавобан расмий Теҳрон бундан буён мамлакатдаги ядро объектларига МАГАТЭ инспекторларини киритиш чегараланишини билдирди.

Ўтган жума куни Мисрда XXI асрнинг энг йирик ҳалокатларидан бири содир бўлди. 1400 нафардан ортиқ йўловчи минган «Салаам 98» пароми Қизил денгизга чўкиб кетди.

Воқеа тафсилотларига қисқача тўхталсак. Саудия Арабистонидаги Дуба портидан йўлга чиққан «Салаам 98» қирғоқдан 40 километрча узоқлашганда, кема бортида ёнғин чиққан. Аммо, кема капитани негадир орқага қайтишни ўйламаган. Қирғоқдан 100 километр узоқлашганда, паромда портлаш рўй берган. Тахминларга қараганда, ёнғинни ўчириш учун ҳаддан ташқари кўп сув сарфланган ва паром мувозанатни йўқотган. Йўловчилардан борйўғи 376 нафаригина қутқариб қолинди. Бундан ташқари, 80 нафар одамнинг тақдири ҳамон номаълум. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

*Таажжуб*

### Истеъмолчилар ҳуқуқи бузилаяпти

**_Ургут — аҳолиси зич жойлашган шаҳарлардан бири. Туман марказида йигирмата маҳалла, салкам 70 минг аҳоли истиқомат қилади._**

Ҳаво совиши билан газ таъминотида узилишлар бўлаётгани ҳақида уч-тўрт йилдан буён Самарқанд вилояти газ таъминоти бошқармасидагиларга мурожаат қилгандик. Маълум бўлишича, Тойлоқ туманидан Ургутга келувчи газ қувурлари эскирганлиги сабабли бизгача етиб келмаяпти. Шунингдек, Ургут газ қувурларидан Адас, Жумабозор қишлоқларидаги айрим участкаларга, иссиқхоналар, цехлар, новвойхоналарга улаб берилгани ҳолатлари ҳам бизга маълум. Ваҳоланки, газ ўлчагич Тойлоқда бўлиб, бошқалар фойдаланаётган газ ургутликлар ҳисобига ёзилмоқда. Демак, биз, ургутлик истеъмолчиларнинг ҳуқуқи бузилмоқда. Қолаверса, бу ҳолатдан болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар азият чекаяпти. Шу масалада сизлардан амалий ёрдам кутиб қоламиз.

**Амон САЛОҲИДДИНОВ,**
**2-гуруҳ ногирони.**
**Асадилло ХОДЖАМОВ,**
**пенсионер.**
**Ҳотам ЕРБОБОЕВ.**
*Ургут шаҳри.*

*Муаммо*

### Мевазорлар кўпайса эди

**_Янги йил арафасида мева-чева харид қилиш учун Денов тумани деҳқон бозорига бордим. Икки нафар аёл тут шинниларини сотиб ўтиришарди. Нархини сўрадим._**

Бир литри тўққиз минг сўм экан. Тут етти хил дардга даво, дейишади, начора, қиммат бўлса ҳам сотиб олдим. Ахир бозорнинг ҳам ўз қоидаси бор-да. Шундан сўнг ўйланиб қолдим. Кейинги пайтларда "Марварак", "балх" тутлари, "Дашнобод" анорлари ва турли мевалар камайиб кетаётганини сезиш қийин эмас. Тўғри, пиллачилик учун тут баргидан яхши озуқа йўқ. Бироқ табиатнинг ноёб туҳфаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, мевазорларни кўпайтирсак, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаган бўлардик.

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.**
*Сариосиё тумани.*

*Мулоҳаза*

### Яхши сўз — жон озиғи...

**_Яқинда ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. "Бекобод — Тошкент" йўналиши бўйича қатнайдиган автобус ҳайдовчисининг ёрдамчиси чиптачи йигитлар билан тил бириктириб, йўловчиларга ҳар хил муомала қилишарди._**

Кимдир кассадан чипта олиб, кимдир олмай йўлга чиқди. Мен ҳам Бекобод автобус-такси саройига қарашли "ЛАЗ" автобусига чиққандим. Ҳайдовчига менда имтиёзли гувоҳнома борлигини айтсам, у мени ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилди.

Бироз вақт ўтгач, туман автостанциясининг назоратчисига дуч келдим. Унинг муомаласидан бир мен эмас, барча йўловчилар ҳам миннатдор бўлишди. "Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади" дейишади-ку, ўзимиздан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилсак нур устига аъло нур бўларди.

**Б.ОРЗИЕВ.**
*Бекобод тумани.*

# УНУМДОР ТУПРОҚ КЕРАК!

*Бунинг учун айрим агротехника тадбирларини амалиётда қўллашга тўғри келади*



**_Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг негизида ер ўзининг ҳақиқий эгалари ихтиёрига берилаётгани ётибди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йиллларда фермерларимиз пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, бу борада олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини исботлашмоқда. Бироқ иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этувчи соҳа келажаги фермерларга ишониб топширилаётган экан, энди улар бундан буён ҳам замин тақдирига бевосита масъул эканликларини дилдан ҳис қилишлари лозим бўлади._**

Гап шундаки, олимларимиз томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган катта ер майдонларининг тупроқ унумдорлиги пасайиб бораётганини кўрсатмоқда. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Аввало, жуда катта ҳудудларда узоқ йиллар мобайнида айрим экин турлари яккаҳокимлиги, ерга чуқур ишлов бериш билан бирга, юқори меъёрда суғориш олиб борилиши, баъзи жойларда эса, кўпроқ ҳосил олиш мақсадида фақат минерал ўғит, заҳарли кимёвий воситаларни қўллаш, ер тузишда илмий ютуқларга тўлиқ амал қилмаслик бунга сабаб бўлмоқда. Натижада тупроқ таркибидаги чиринди миқдорининг камайиб кетиши, структуравий донадорлигининг бузилиши, асосий илдиз ўсадиган қатламининг зичланиши, ўсимлик учун зарур бўлган макро ва микроозуқа элементларининг мақбул нисбати кескин бузилиши, экинларга касалликлар чақирувчи микроорганизмларнинг кўпайиб бораётганлиги, заҳарли ва радионуклид моддалар билан ифлосланиши, иккиламчи шўрланиши, эрозияланиши каби кўплаб салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

**Долзарб мавзу**

Аслида тупроқда қанча кўп миқдорда чиринди йиғилса, унда жамланган қувват миқдори ҳам кўп бўлади. Озуқа элементлари захираси ва ўсимлик ўзлаштирувчи моддалар ажралиб чиқиши ортади, асосий хосса ҳамда хусусиятлари яхшиланади. Бу жараёнларнинг барчаси тупроқнинг юқори ва давомий унумдорлигини таъминлайди.

Маълумки, табиий шароитда хилма-хил типга, турли даражадаги унумдорликка эга тупроқлар мавжуд. Мисол учун, юқори табиий унумдорликка эга бўлганлари сирасига қора, қизил, ўтлоқи ва шунга ўхшаш тупроқлар киритилса, пастроқ табиий унумдорликка эга бўлганлари қаторига подзол, чимли-подзол, оч тусли бўз тупроқ ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳар қандай типдаги тупроқлардан деҳқончиликда фойдаланилганда, уларнинг унумдорлиги амалда намоён бўлади. Уни юқори даражага кўтариш мақсадида эса ҳар бир минтақага хос равишда ишлаб чиқилган маҳаллий агромелиоратив, агротехнологик чора-тадбирларни қўллаш кифоядир.

Бизнингча, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш учун унинг таркибида органик модда йиғилишини асосли равишда кўпайтириш зарур бўлади. Бунинг учун ҳозирги вақтда деҳқончилик амалиётида устун турадиган «тупроқ-ўсимлик-биомаҳсулот» тизими формуласини «тупроқ- ўсимлик-чорва моллари-биомаҳсулот» тизими шаклига ўтказиш даркор. Шу йўл билан агроландшафтларда тупроқ ҳосил бўлишида биологик омилнинг таъсирини мақбул даражада кучайтириш, пировард натижада тупроқда органик модданинг кўпроқ йиғилишига эришиш мумкин.

Таклиф этилаётган технологик тизим фермерлар томонидан татбиқ этилса, алоҳида ер майдонига махсус механизмлар ёрдамида келтириладиган маҳаллий ўғит ҳамда компостларни даланинг ўзида тайёрлашни ташкил этиш имкони яратилади. Бошқача қилиб айтганда, тупроқли компостни ёки сунъий унумдор тупроқ қатламини даланинг ўзида, деҳқончилик ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида тайёрлаш мумкин бўлади. Бу ҳам қулай, ҳамда харажатни тежайдиган усулдир.

Ҳар қандай ер хусусан, фермер тасарруфидаги экин майдони шароитида инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган биомаҳсулотни етарли миқдорда, юқори сифатли қилиб етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб бориш, хўжаликлар рентабеллигини кўтариш учун, бизнингча, қуйидаги тавсиялар ҳам амалга оширилмоғи лозим:

Деҳқон, фермер хўжаликлари ер кадастрининг янги, аниқ ва тўлиқ маълумотли хариталарга эга бўлишини таъминлаш, хўжалик фаолиятини тўғри йўналтириш, иложи борича ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлашни шу жойда ёки яқинроқ ҳудудда ташкил этиш; бу жамоада ер тузишни барча хўжалик юритувчилар билан мувофиқлаштирган ҳолда, мукаммал илмий асосда, тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган шаклда лойиҳалаштириш; бунда, албатта, деҳқончилик билан чорвачилик мақбул нисбатда бўлмоғига эришиш, экинларни алмашлаб экиш, жойлаштириш, схемаларини тупроқнинг кимёвий таркибини яхшилаш ва унумдорлигини ошириб боришига йўналтириш. Бунинг учун эса,ҳар гектар ерга йилигаки бир неча йилда бир марта маълум миқдорда, яъни имкониятга қараб маҳаллий ўғит қўллаш тавсия этилади. Шунга биноан, хўжаликда чорва сони аниқланади. Маълум миқдордаги сармоя чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилса, айниқса, мақсадга мувофиқ бўлади, хўжалик ҳудуди ерлари йил бўйи ҳамма фаслларда ўсимлик қоплами билан банд бўлиши учун эса беда ва бошқа ҳаводан азот йиғувчи, тупроқни органик моддаларга бойитувчи экинлар экиш лозим. Асосий экинлар – пахта ва ғалла тизимига такрорий ва оралиқ экинлар киритилиши қишки-баҳорги намликдан фойдаланишга имкон беради. Тупроққа ишлов беришни иложи борича минималлаштириш ва камроқ чуқурликда (15-20 см) олиб бориш, шароитга қараб, секин-аста ишлов бериш механизмларини енгиллаштириш, яъни, бир марта юрганда бир неча операцияни бажариб кетишни татбиқ этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Шундай қилинганда, тўлиқ компонентли унумдор тупроққа эга бўлган, юксак даражада маданийлашган агроландшафтлар ҳосил бўлади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар энг арзон, комплекс, ҳар қандай нав ва турдаги экинлар талабига мос озуқа элементларига эга бўлган органик ўғит-гўнг, компостлар билан етарли миқдорда таъминланади. Бу ўғитларнинг таъсирида эса, экологик тоза, сифатли деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. Енгил ва қайта ишлаш саноати ҳам етарли хомашё билан таъминланади. Пировард натижада ҳар бир хўжаликнинг рентабеллик даражаси ошади.

**С.АБДУЛЛАЕВ,**
**Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.**
**Э. ЗИЯМУҲАМЕДОВ,**
**катта илмий ходим, биология фанлари номзоди.**



### Бахмаллик саховатпешалар

Ҳар ким ҳимматига яраша топар, дейди доно халқимиз. Ҳақ гап. Зеро, баҳоли-қудрат элига, юртига мурувват, саховат, хайри эҳсон кўрсатиб, пировардида бир бойлигига юз бойлик қўшилган инсонлар ҳақида кўп бор эшитганмиз ва кўрганмиз.

Бундан 15 йилча аввал Бахмал туман марказида кўп қаватли шифохона қурилиши бошланиб, маблағ йўқлигидан тўхтаб қолган эди. Яқинда бахмаллик фермер ва тадбиркорлар Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу қурилишни қуриб битказиш ташаббуси билан чиқдилар. Буни эшитган ёши улуғлар "Барака топишсин, тупроқ тутсалар, олтин бўлсин" дея уларни дуо қилишмоқда.

Саховатпеша инсонлардан бири "Мамирбек" фермер хўжалиги раҳбари Эгамберди Мамиров ҳам бу хайрли ишга биринчилардан бўлиб қўл урди.

**СУРАТДА: фермер Эгамберди Мамиров.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

## Қонун барчага баробар

*Бугунги кундаги долзарб мавзу — "банкротлик" ҳақида Фарғона вилоят хўжалик суди раиси билан суҳбатлашаётиб, беихтиёр "перечислениячи" фирмалар фаолияти билан танишишга тўғри келди. У киши ёзилажак мақола учун факт ва рақамлар билан бирга жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги бир нечта хусусий ажримларни ҳам узатди. Улардан маълум бўлдики, 2004-2005 йилларда (1 октябргача) вилоят бўйича 300 га яқин хўжалик юритувчи субъектда банк кассасига топширилмаган нақд пул миқдори 47 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этибди!*

*Бюджетдан маош олувчи миллионлаб ишчи-хизматчиларга, пенсионерларга, ёш болали оилаларга иш ҳақи ҳамда нафақаларни ўз вақтида бериш учун нақд пул муаммосини ҳал қилиш йўлида ҳукумат даражасида не-не тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда ана шу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?*

# ХАЗИНАГА ТУШМАЁТГАН

*ёки "умри қисқа" фирмаларнинг пулни нақдлаштириш фаолияти ҳақида Фарғона*

**— Исмоил Комилович, аввало, ана шу миллиардларнинг дастлабки урчиш манбаини топиб олсак: ахир кечагина фаолиятини бошлаган фирма бугун дарров бир-икки миллиард сўм ишлаб топмайди-ку?**

— Тўғри. Янги фирма бошқа "эскироқ" фирмадан ўз ҳисоб рақамига катта миқдорда пул ўтказади.

**— Кейин-чи?**

— Кейин унга харидоргир, тез сотиладиган маҳсулотлар олиб, нақд пулга сотади. Ва бу маблағ илгари "пул ўтказиш" йўли билан қарзга олинган фирма эгасига нақд ҳолда қайтарилади. Албатта, ўша "пул ўтказиш" жараёнида уни нақдлаштириш эвазига келишилган фоизда хизмат ҳақи олиб қолади.

**— Қанча?**

— Масалан, 20 фоиздир, 10 фоиздир.

Демак, пул ўтказиш йўли билан 100 миллион сўм олинган бўлса, 20 ёки 10 миллион сўм янги ташкил этилган фирма "хўжайини"-да қолаяпти. 1 миллиарддан 100 ёки 200 миллион сўм! 100 миллион сўмлик товарни қайсидир фирмадан пул ўтказиб улгуржи олиш ва уни нақд пулга сотиш учун, қуйида таҳлил қилинган мисоллардан аён бўлишича, баъзан бир-икки ҳафта, уч-тўрт кун ҳам кифоя қилиши мумкин. Миллиардларга — бир-икки ой.

**— Исмоил ака, буни хўжалик суди жиноят иши қўзғатган субъектлар мисолида изоҳлаб берсангиз.**

— Хўп. 2005 йил 25 ноябрдаги хусусий ажрим билан Қўқон шаҳридаги "EAST PEARL" хусусий фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Фирма Қўқон шаҳар ҳокимининг қарори билан 2003 йил 29 октябрда ташкил этилган бўлса-да, у 2004 йил май ойидан буён фаолият кўрсатмаган. Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, уни банкрот деб топишни сўраган. Банкротлик иши кўрилиши асносида маълум бўлишича, фирманинг солиқ тўловларидан жами 1 миллиард 716 миллион 278 минг 342 сўм (шундан 1.394.084,661 сўм асосий боқиманда қарз) қарзи мавжуд. Фирма томонидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш орқали кредиторларга 775.166.993 сўм зарар етказилган. Фирманинг айбдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 181-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари билан жиноят иши қўзғатилиб, иш материаллари вилоят прокуратурасига юборилди.

***МАЪЛУМОТНОМА.*** *Мазкур хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Тўрақулов Бахтиёр Аминович (1975 йилда туғилган) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2004 йил 27 июлдаги ҳукмига биноан, ЖК 189-моддасининг 3-қисми бўйича айбдор деб топилиб, унга ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ундириш шарти билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. Деярли юқоридаги хўжалик ишида таъкидланган айблари учун... Ушбу ҳукмда қайд қилинишича, у муқаддам 2001 йил 14 декабрда ҳам ЖК 206-моддаси, 1-қисми билан судланган...*

**— Бу "тадбиркор" тўрт йилнинг ичида яна учинчи марта жиноий жавобгарликка тортилар экан-да?**

— Ҳа. Афсуски, бунақа фактлар ягона эмас. 2005 йил 25 ноябрдаги яна бир хусусий ажрим билан Қўқон шаҳридаги "ELONA CLASS" хусусий фирмаси раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бу фирма 2003 йил 15 сентябрда ташкил этилиб, 2004 йил май ойида ўз фаолиятини тўхтатган. Шу қисқа муддат ичида солиқ тўловларидан қарзи 525.602.446 сўмни (шундан 394 миллион сўмдан ортиғи асосий боқиманда қарз) ташкил этади.

***МАЪЛУМОТНОМА.*** *Бу хусусий фирма соҳиби Азимов Бахтиёр ва унинг укаси — бошқа хусусий фирма раҳбари Азимов Мақсуд Мадаминовичларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича 2004 йил 21 декабрда жиноят ишлари бўйича Данғара туман судида ҳукм ўқилган. 26 ёшли Б. Азимов юқоридаги фирмадан ташқари яна Фурқат туманида 2003 йил 16 сентябрда А. Маткаримов номига "Нахшаб" хусусий фирмасини очиб, унга норасмий равишда ўзи раҳбарлик қилган. 2003 йил 20 декабргача Қўқон шаҳридаги "Универсалбанк"да бирламчи, Тошкент шаҳридаги "Даврбанк", "Ўзбектурк банки", "Трастбанк"даги иккиламчи ҳисоб рақамлари орқали 2 миллиард 86 миллион 714 минг сўмлик "товар айланмаси"ни амалга оширган. 2003 йилда укаси Мақсуд Азимов номига "Пикардиа Маркет" МЧЖни ташкил этиб, ўша йилнинг ўзида иккаласи жами 3 миллиард 390 миллион 148,9 минг сўм миқдорида пул айланмаларини амалга оширишган. Суд Б. Азимовни ЖКнинг 6 та моддаси билан айблаб, амнистияга кўра, жазони ўташдан озод қилган. "Судланувчи Б. Азимовдан 91.070.800 сўм давлат фойдасига ундирилсин" деган таъкид ҳам бор ҳукмда. Бу — тўланмаган солиқ тўловлари. Бироқ қачон, қандай қилиб ундирилади бунча маблағ? Бу жиноят иши 22 томдан иборат...*

**— Мисоллардан кўраяпмизки, тадбиркор — хусусий фирма раҳбари бирламчи, иккиламчи деб бир нечта банкдан ҳисоб рақами очишга улгурган. Қонунда бунга рухсат этилганми?**

— Рухсат бор. Мақсад — тадбиркор ва ишбилармонларга эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очиб бериш. Мақсад — эзгу, хайрли. Бироқ давлатимиз томонидан кўрсатилаётган мана шу мурувватни баъзан суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу, айниқса, фақат пулни нақдлаштириш ниятида очилган фирмаларнинг нопок соҳибларига қўл келмоқда.

**— Шундай экан, эҳтимол, бир субъектнинг бир нечта банкда ҳисоб рақами очишини чеклаш лозимдир?**

— Мен ҳар қандай муаммонинг чеклаш, тақиқлаш орқали ҳал қилинишига қаршиман. Лекин бу аҳволни назорат қилиш ва тартибга солишнинг бирон чорасини қўллаш керак, деб ўйлайман. Шу ўринда бир кишининг номига бир нечта фирмалар очишга рухсат беришни ҳам мулоҳаза қилиб кўриш зарурга ўхшайди.

**— "Умри қисқа" хусусий фирмалар пул ўтказиш ва уни нақдлаштириш операцияларини бажариб, қисқа муддатда фирмасини ёпиш учун яна ариза берадими? Ёки у "қўлга" тушгандан кейин фирма ёпиладими?**

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Агар ёпиш учун ўзи ариза берса, ҳисоботларни тўғри ва тўлиқ топшириши, амалга оширилган пул айланмаларидан тегишли солиқларни тўлаши лозим. Буни у хоҳламайди. Сабаби, юқоридаги мисолларда кўрганимиздек, ўзи 3-4 ой ишлаган бўлишига қарамай, ҳақиқий ҳолатда солиқ тўловларидан қарзи бир неча ўн ва юз миллионлаб сўмни ташкил этади. У эса бунақа катта суммада солиқни тўла-

## «Нобель» совриндори олдинда



Agency France Press ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Коста-Рикада якшанба куни бўлиб ўтган президентлик сайловларининг дастлабки натижаларига кўра, Нобель мукофоти совриндори Оскар Ариас олдинда бормоқда. Овоз бериб чиққанлар ўртасида ўтказилган сўровлар (exit-poll) га қараганда, уларнинг 44 фоизи Ариасни ёқлашган, рақиби Оттон Солис эса 37,3 фоиз овоз тўплаган. 65 ёшли Оскар Ариас бундан аввал ҳам — 1986-1990 йилларда мамлакат президенти лавозимида ишлаган ва 1987 йилда «Марказий Америкадаги тинчликпарвар фаолияти учун» «Нобель» мукофотини олган.

## Молиявий ёрдам қайта тикланди

BBC News хабарида айтилишича, Исроил Фаластин мухториятига ҳар ой 54 миллион доллар миқдорида иқтисодий ёрдам беришга рози бўлди. Аммо, Исроил раҳбарияти мухторият парламент сайловларида ғолиб чиққан ХАМАС гуруҳи янги ҳукуматни шакллантириб бўлгач, бу ёрдамлар тўхтатилиши ҳақида огоҳлантирди. Бир ҳафта аввал ХАМАСнинг ғалабасига норозилик белгиси сифатида Исроил томони иқтисодий кўмак тўхтатилишини айтганди. Мамлакат мудофаа вазири Зеев Боим эса ҳозирча бу гуруҳ ҳукумат тепасига чиқмаганлиги учун моддий ёрдам бериб турилишини билдирганди. Исроил раҳбарияти ХАМАСдан ўз террорчилик сиёсатини ўзгартиришини талаб қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
«ШОДИЁНА» омонатига пул қабул қилиш муддати 2006 йил 1 апрелгача узайтирилганини маълум қилади.
Омонат бўйича даромад — йиллик 36%.
Энг кам бадал миқдори — 300.000 сўм.
Сақлаш муддати — 2 ой.
Шунингдек, қуйидаги омонат турларига пул қабул қилиш давом этмоқда:
«Кўпайсин» (сақлаш муддати — 1 йил) — йиллик 31%;
«Ёшлик» (сақлаш муддати — 1 йил) — йиллик 27,2% (ёшлар учун);
«Омонлик» (сақлаш муддати — 6 ой) — йиллик 27%;
«Хотиржамлик» (сақлаш муддати — 6 ой) — йиллик 28% (коммунал);
«Омадли» (сақлаш муддати — 2 йил) — йиллик 30,4%;
«Таътил» (сақлаш муддати — 3 ой) — йиллик 28,8%;
«Келажак» (сақлаш муддати — 5 йил) — йиллик 32% (болалар учун);
«Сўм карточка» (талаб қилиб олингунча) — йиллик 16%, олинмаган фоизлар капитализация қилинади.
Ўз жамғармаларини бизга бошқариш учун ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!
Қўшимча ахборотни қуйидаги телефонлар орқали: 135-42-83, 134-14-14 ёки банкнинг ҳар қандай бўлими ёхуд филиалидан олиш мумкин.
Интернетдаги манзилимиз: www.nbu.com
2098Н/31

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Адвокатлар яна норози

Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн ҳимоячилари судланувчи билан учраша олмаётганидан шикоят қилишди. Адвокатлар гуруҳи раҳбари Ҳалил ал-Дулаймийнинг сўзларига кўра, Америка маъмурияти вакиллари ҳеч бир асоссиз адвокатлар билан судланувчининг учрашишига рухсат беришмаган. «Америка маъмуриятининг бу хатти-ҳаракати ноқонуний бўлиб, Саддам Ҳусайннинг адолатли судга бўлган ҳуқуқини бузади», деб баёнот берди Ал-Дулаймий. Унинг таъкидлашича, адвокатларни асоссиз четлатиш билан боғлиқ бундай воқеа биринчи марта бўлаётгани йўқ.

## Грузия НАТОга юзланмоқчи

Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакатнинг МДҲ давлатлари Мудофаа вазирлари кенгашидан чиқиши тўғрисидаги фармонга имзо чекди, деб хабар беради «Новости-Грузия» агентлиги. 25 январь куни имзоланган бу фармон 3 февралда Грузия президенти матбуот хизматининг интернет сайтида эълон қилинди. Грузия Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бундай қарор мамлакат ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Грузия НАТОга аъзо бўлиш ҳаракатига тушди ва шу боис бир вақтнинг ўзида икки ҳарбий бирлашма таркибида бўла олмайди.

Ўз навбатида, Грузия президенти маъмуриятининг раҳбари Георгий Арвеладзе Мудофаа вазирлари кенгашидан чиқиш билан мамлакат МДҲ доирасидаги кўп томонлама алоқаларни тўхтатмаслигини таъкидлаб ўтди. «МДҲ — сиёсий ҳамкорлик ташкилотидир. Ҳамдўстликда биз учун керакли имкониятлар кўп. Булар асосан иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ», деди Арвеладзе.

## Ўта оғир вазндаги номзод



Ўта оғир вазндаги профессионаллар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко Киев шаҳри ҳокимлигига ўз номзодини илгари сурди. 26 март куни бўлиб ўтадиган сайловларга унинг номзоди «Ислоҳотлар ва тартибот партияси» («Партия реформы и порядок») томонидан кўрсатилган. Боксчи спортдан кетгач, сиёсат оламида тартиб ўрнатишга ваъда бермоқда. Яқинда у Украина Бокс федерациясининг фахрий президенти лавозимидан бўшатилган, унинг ўрнига мамлакат Хавфсизлик Кенгаши котиби Анатолий Кинах сайланган эди. Ўшандаёқ Кличко «рингдан ташқарида анча кескинроқ жанглар юз бераётганини» айтган эди.

## Маҳбуслар қочиб кетди

Ямандаги қамоқхонадан 2000 йилда Американинг Cole ҳарбий кемасини чўктириш ташкилотчиси бўлган террорчи Жамол ал-Бадавий ҳамда 2002 йил Франциянинг Limburg ҳарбий танкерига ҳужумни уюштирган Фавоз Яҳё ар-Рабейий қочишга муваффақ бўлди. Улар билан бирга Интерпол томонидан «ўта хавфли жиноятчи» деб эълон қилинган яна 22 нафар террорчи қамоқхонадан чиқиб кетишган, деб хабар беради РИА «Новости». Мамлакат ИИВ қамоқхона ҳовлисидан бошланиб, яқин атрофдаги масжидга олиб борадиган 300 метрлик ер-ости йўли топилганлигини маълум қилди. Баёнотда айтилишича, бунинг учун энг замонавий ва шовқинсиз ускуналар қўлланган. Айни пайтда камераларни очиб берган қамоқхона ходимларини аниқлаш бўйича зудлик билан тергов ишлари бошланди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг айрим манбаларга таяниб хабар беришича, асли «Ал-Қоида» ташкилоти вакиллари бўлган бу террорчилар Яманнинг ҳозир ҳеч ким назорат қилмайдиган тоғли ҳудудларида яширинган.

## Самолётлар тўқнашуви

АҚШнинг Висконсин штати осмонида икки юк самолёти тўқнашиб кетди, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлиги. Ҳалокатдан сўнг улардан бири Жуно шаҳри аэропортига фавқулодда қўнишга муваффақ бўлди. Бироқ иккинчи самолёт ерга қулади, унинг бортидаги 3 киши ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, ҳар икки самолёт битта юк ташувчи компанияга қарашли бўлган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас.



## Қисқа сатрларда

«Ал-Жазира» телеканали томонидан ташкил этилган форумда US TV компанияси продюссери Эми Гудманнинг айтишича, бугунга келиб Америка оммавий ахборот воситаларига бўлган ишонч энг паст даражага тушиб кетди. Унинг сўзларига кўра, Ироқдаги уруш туфайли араб ОАВ бу борада олдинги ўринга кўтарилиб олиши мумкин. Американинг NBC, CBS, ABC ва PBS телекомпаниялари янгилик дастурларининг икки ҳафталик сонлари ўрганилганда, улардаги 393 интервьюдан 3 тасидагина қарама-қарши фикрларга ўрин ажратилган.

* * *

Нальчикдаги Давлат наркотик моддалар назорати бошқармасига 2004 йил декабрдаги ҳужумлар чоғида олиб кетилган қуроллар яширилган омбор фош этилди. Бу жойдан кўплаб «Макаров» русумидаги пистолетлар, 1000 га яқин патрон, қўл гранаталари, гранотомёт ва унинг ўқ-дорилари топилди. Текширув натижаларига кўра, 2005 йилнинг сентябридан буён омбор жойлашган уйда Нальчикка уюштирилган ҳужум қатнашчиларидан бири яшаган.

* * *

Америка киносценаристлари уюшмаси томонидан таъсис этилган махсус мукофотнинг 2005 йил совриндорлари номи эълон қилинди. Унинг якунларига кўра, йилнинг энг яхши сценарийси номинацияси бўйича Пол Хаггис «Тўқнашув» фильми учун ғолиб бўлди. Энг мукаммал сценарий номига Диана Оссана ҳамда Ларри Макмартилар қаламига мансуб «Букри тоғлар» фильми сазовор бўлди.



## Ўзбек киноси Францияда

**Франциянинг Везул шаҳрида 12 — Осиё кино санъати халқаро кинофестивали очилди. Анъанага кўра, ушбу нуфузли киноанжуманда кино оламида эришган ютуқлари учун кино усталарга мамлакатнинг "энг ҳурматли меҳмони" мақоми берилади.**

Ўзбекистон мазкур анжуманнинг фахрий меҳмони бўлди. Бу анжуман доирасида ўзбек фильмлари намойиш этилиши, мавзуга оид семинарлар ташкил қилиниши ҳамда тақдим этилган асарлар муҳокама этилишини англатади. Бевосита танлов дастурида режиссёр Юсуф Розиқовнинг "Эркак" фильми иштирок этмоқда.

Везулдаги анъанавий кино кўриги Европада Осиё қитъаси кино усталари ижодига бағишлаб ўтказиладиган эътиборли анжуман ҳисобланади. Бу галги кинофорумга жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан турли жанрлардаги 72 та фильм тақдим этилган.

Фестиваль директори Жан Марк Теруан "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу асарлар Яқин Шарқдан Узоқ Шарққача бўлган улкан ҳудудда яшайдиган одамларнинг ҳаёти ва муаммоларини акс эттирган. Дастурда ретроспектив тарзда ўзбек кино усталари ижодига мансуб 10 дан зиёд асар намойиш этилди. Улардан 6 нафари ўтган асрнинг 60 - 90 йилларида яратилган ўзбек кинолари бўлса, қолган 4 таси кейинги бир неча йиллар ичида яратилган асарлардир. Улар Францияда илк бор намойиш этилади. Ана шундай фильмлар орасида режиссёр Ю.Розиқовнинг "Ўртоқ Кенжаев", З.Мусоқовнинг "Осмондаги болалар" ва Т.Калимбетовнинг "Қудуқ" каби фильмлари бор. Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек киносини яқиндан билишлари учун франциялик томошабинлар ушбу қулай имкониятдан унумли фойдаланишлари мумкин.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
*Париж.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
шахсий компьютерлар, матрицали ва лазерли принтерлар учун эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлар сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.
Танловда қатнашиш учун буюртманомалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни давомида қабул қилинади.
Бунда компания (фирма) улгуржи тарзда товар етказиб бериш ваколатига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак.
Мулоқот қилувчи шахс — Митрошин Олег Александрович.
Тел.: 134-42-93 (ички тел.: 22-16), факс: 135-20-90.
E-mail: oleg@centrl.nbu.com
www.nbu.com
2085Я/31

# МИЛЛИАРДЛАР

*вилояти хўжалик суди раиси Исмоил СОЛИЕВ билан мулоқот*

маслик учун ҳақиқий ҳолатни яширган — солиқ идорасига пул айланмасини бир неча баравар камайтириб кўрсатиб ҳисобот топширган ёки умуман ҳисобот топширмаган бўлади. У шунчаки фирмани "ўз ҳолига" ташлаб қўяди, фаолият юритмайди. Бунинг ўрнига, бошқа, яъни янги фирма очади. Назоратчилар, эса унинг жиноий ҳаракатлари кетидан қувиб етиб улгурмайди. Орадан ярим йил-бир йил ўтиб, ҳисобот топширмаётгани учун солиқ идораси уни "йўқлай" бошласа, унинг на фирмасини, на ўзини топиб бўлади. Кейин солиқ идорасининг "банкрот қилиб беринглар" деб хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмайди. Иш мана шу нуқтага етганда, хўжалик судлари даъво объектини шунчаки банкрот деб топиш билан чекланмай, иш ҳолатига қараб, қонун талаб этса, албатта жиноят ишлари қўзғатиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

***МАЪЛУМОТНОМА.*** *Бувайда туманидаги "Субҳи нур офоқ" кўп тармоқли хусусий фирмаси 2004 йилнинг 8 апрель куни Бувайда туман ҳокимлигидан давлат рўйхатидан ўтган. Фирма раҳбари Рустам Тошматов 2004 йил 30 июлдан 2004 йил 17 сентябргача — 2,5 ойда "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг Фарғона бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 3 миллиард 106 миллион 813,9 минг сўмлик, "Универсалбанк"нинг Қўқон шаҳар бўлимида очилган иккиламчи ҳисоб рақами орқали 180 миллион 537,6 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, Бувайда ДСИга атиги 987 миллион сўмлик товар айланмаси бўйича ҳисобот тақдим этган. Шу тариқа давлат томонидан белгиланган жами 55.884,9 минг сўм миқдоридаги мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.*

Шунингдек, 2004 йилда Марғилон шаҳридаги "Автосалтанат" фирмаси 387,4 миллион сўм, Данғара туманидаги "Сарбон ҳаёт" фирмаси 1 миллиард 199,9 миллион сўм пул маблағларини банк кассасига топширмаган. Қўқон шаҳридаги "Юнион Бизнес Центр" 2 миллиард 86 миллион сўмлик, "Эвридей Сервис" 2 миллиард 411 миллион сўмлик, "Абдулвоҳид МЧЖ" 2 миллиард 377 миллион сўмлик ва "Асс-Бизнес-Маркет МЧЖ", "Мурод савдогар", "Нозмеҳр Фарма", "Фар Капитал Трейд", "Ривера Бизнес", "Дуяна Мастер Люкс" фирмаларининг ҳар бири эса 1 миллиард сўмдан зиёд пул маблағларини банк кассасига кирим қилишмаган.

2005 йилнинг 9 ойида эса Қўқон шаҳридаги "Янги Яйпан савдоси" 1 миллиард 79,7 миллион сўм, "Ал бай возит" хусусий корхонаси 1 миллиард 347,2 миллион сўм, шаҳар бўйича жами 8 миллиард 998 миллион сўм банк кассасидан ташқарида "ҳаракат" қилган. Қолган барча шаҳар ва туманларда бу рақам жами 10 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этади...

**— Сиз кўп йил суд-ҳуқуқ тизимида ишлаб келаётган тажрибали мутахассиссиз, шу боис бир ҳолат ҳақида сўрамоқчиман: ана шу бир неча ўн миллион, бир неча юз миллионлаб сўм зарарни қопламасдан туриб, амнистияга биноан жазодан озод қилиш тажрибаси ҳақида фикрингиз қандай?**

— Анча мураккаб савол-у, лекин лавозим тақозоси ана шу салбий ҳолатларга қарши курашга даъват этилган мутахассис сифатида бундай амалиётга қарши эканимни очиқ айтаман. Бу фикрни айтишга Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонун ҳам изн беради. Унда очиқ-равшан таъкидланишича, Жиноят кодексининг иқтисодий жиноятларга оид қатор моддаларида, агар етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланиши лозимлиги кўрсатилган. Ҳаммамизга маълумки, бу Қонун суд-ҳуқуқ тизимида, аввало, инсонпарварлик тамойилларини кенгроқ жорий этиш, қолаверса, дунёдаги ривожланган мамлакатлар қонунчилик тажрибасига яқинлашиш мақсадини кўзлаб, шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пайдо бўлган. У ўрнида ва оғишмай қўлланилгандагина кутилган самарани беради. Бу қонун қўшнининг чорбоғидан бир пақир олма ёки битта товуқ ўғирлаган одамни ҳам бешолти йилга қамашдек номақбул тажрибага барҳам берди. Бироқ уни суиистеъмол қилмаслик керак. Бир неча юз миллионлаб сўм солиқ тўловларини қасддан тўламаганларни ҳам жазодан озод этишдек тажрибага ўхшаб...

***МАЪЛУМОТНОМА.*** *Юқоридаги каби хусусий фирмалар бўйича ҳисобланган жами солиқ ва жарималар миқдори **71 миллиард сўмни** ташкил этади. Шундан соф солиқ **5 миллиард сўм** бўлганида ҳам, давлат хазинасига тушишдан маҳрум этилган озмунча мададми бу?..*

**— Фикрингизни озгина давом эттирсам, рост, қаттиқ жазо жиноятчи инсонни тарбияламаслиги дунё тажрибасида синовдан ўтган хулоса, лекин юқорида таъкидланаётган иқтисодий жиноятлар ва юз миллионлаб сўмни давлат хазинасидан мосуво қилганларнинг осонгина жазодан озод этилаётгани, халқ кўз ўнгида эса — жазоланмаётгани, бунақа иллатларнинг томир отишига омил бўлиши мумкин: ана, фалончи икки юз миллион сўм зарарни тўламаса ҳам, ёки 20 томлик жиноят иши бўлса ҳам жазоланмади-ку, дегандек...**

— Бундай сохта тадбиркорларнинг кўпайишига йўл қўймаслик учун барча тегишли идоралар ҳамжиҳат бўлиб фаолият олиб боришлари керак. Чунки мамлакат иқтисодиёти бир бутун организм бўлса, бу каби фирмалар ана шу иқтисодиётни издан чиқарувчи касалликларга ўхшайди. Агар касал вақтида даволанмаса, у бошқаларга ҳам юқади. Шу ўринда "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган қонун эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Кўпчилик «банкротлик» тушунчасининг том маъносига эътибор бермайди. Агар корхона банкрот бўлибди, деса, демак, бу корхона йўқ бўлар экан, деган фикрга ҳам боради. Банкротлик тамойиллари иқтисодий ночор аҳволга келиб қолган корхоналарни соғломлаштиришга қаратилган бўлиб, агар бу тамойилларни қўллаш самара бермаса ва корхона иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглай олмаса, энг сўнгги чора сифатида уни тугатиш ишлари бошланади. Бунда ҳам корхонанинг мол-мулки сотилиб, ундан тушган маблағ унинг қарзларини қоплашга йўналтирилади, яъни корхона янги мулкдорга ўтади.

Юқоридаги қайд этилган сохта фирмаларни банкрот бўлиб тугаши эса бошқа нормал фаолият юритаётган фирмалар учун банкротлик ҳолатига келиб қолиш хавфини камайтиради. Чунки ҳақиқий тадбиркорлар баъзан ўзлари билмаган ҳолда бундай фирмаларга пул ўтказишлари, маҳсулот беришлари мумкин. Лекин ўтказган пулларига маҳсулот ололмасдан ёки берган маҳсулотлари учун эса пул ололмасдан, ўзларининг айланма маблағларидан маҳрум бўлишлари ва охир-оқибатда ўзлари ҳам банкротлик ҳолатига тушиб қолиш хавфи туғилади. Шундай фирмаларнинг ноқонуний фаолияти халқ хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг асоссиз ўсиши, ҳисоб-китобларда мавжуд, лекин амалда давлат бюджетига келиб тушмайдиган солиқ ва мажбурий тўловларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

**— Бу борада дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан қизиққанмисиз?**

— Мен Японияда икки марта банкротлик ишларига оид семинарда қатнашдим. Уларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар, сохталаштирилган бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этиш орқали банкротликни яшириш 10-12 йил озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Юқорида айтилган ва бошқа шунга ўхшаш ўнлаб, юзлаб банкротликни яшириш мисолларида фирибгарликнинг аломатлари бор. "Банкротликни яшириш" (ЖКнинг 181-моддаси) билан "Фирибгарлик" (168-модда) ўртасида фарқ катта эмас, бироқ иккала моддада белгиланган жазолар ўртасида фарқ катта. Суд жараёнида кўпинча шундай "чаққон" тадбиркорларга дуч келамиз: илтимос, фирмамни банкрот қилиб беринглар, деб туриб олишади. Корхона-фирма ёпилса, криминаллар ортидаги эшик ҳам ёпилади... Такрорлайман, мен қаттиқ жазо тарафдори эмасман, жазолашда инсонпарварлик тамойилларини суиистеъмол қилмаслик, жиноятга яраша жазо бўлишининг тарафдориман. Токи бу суиистеъмоллик ва жазосизликлар қонунбузишда бебошликнинг юзага келишига замин бўлмасин...

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ**
**суҳбатлашди.**

«ГРАНА» Алтай - Россия
МУКА в ассортименте КРУПЫ
Мы уже в Узбекистане
Мука в/с 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Мука 1сорт
Мука ржаная
Крупы гречневая, гороховая, перловая, ячневая, манная, геркулес
«ГРАНА» - это экологически чистый продукт, гарантия качества и доброта России
Грана
ОПТОВАЯ ПРОДАЖА от 10 тонн
г. Ташкент, ул. Архитекторов, 17
тел./факс 148-04-01
тел. 103-04-39, 343-52-38
E-mail: grana-altay@bk.ru
товар сертифицирован

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
ROSAVA
АККУМУЛЯТОРЛАР
WESTA
ИСТОК
Россия, Курск шаҳри
NEW
Украина, Днепропетровск
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

## СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Сирдарё вилоятидаги Сайҳун пахта тозалаш корхонаси ўтган мавсумда фермер хўжаликларидан 34 минг 352 тонна хомашё қабул қилиб олган эди. Ҳозир бу ерда кунига 40-50 тонна ҳосил қайта ишланмоқда.

Корхонада юқори унум ва самарадорликни таъминлаш мақсадида иш уч сменада ташкил этилган. Бугунги кунгача қайта ишланган хомашё миқдори 20 минг тоннадан ошиб кетди.

Олинган маҳсулот асосан Англия, Швейцария, Германия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Пахтадан ажратилган чигит эса пешма-пеш "Гулистонёғмойэкстракт" корхонасига жўнатилаётир.

Қайта ишловчилар маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Буюк сиймолар ҳаётидан



***Жаҳон адабиётида сон-саноқсиз шоирлар ўтишган. Лекин улар орасида бир даврда яшаб Жомий ва Навоий каби дўст бўлишгани кам. Бу икки даҳо шоирнинг дўстлигини, таъбир жоиз бўлса, илоҳий дўстлик деб аташ мумкин. Гарчи Жомий (1414-1492) Навоийдан (1441-1501) қарийб ўттиз ёш катта бўлса-да, уларни чин инсоний қалб, маслак ва дунёқарашдаги муштараклик бир-бирига яқинлаштирган эди. Фақат яқинлаштирган эди, десак унчалик тўғри бўлмас, балки уларни бир умрга ажралмас дўст қилиб қўйган эди.***

# БИР САДАФНИНГ ИККИ ГАВҲАРИ

### *Жомий ва Навоий дўстлиги ҳақида*

Жомий ва Навоийнинг умрбоқий дўстлиги ҳақида замондошларидан тортиб, то ҳозирги кунгача кўплаб адиблар, олиму фузалолар ёзишган, лекин ҳеч ким бу илоҳий дўстликни уларнинг ўзларидан кўра баланд пардаларда куйлашмаган. Шу ўринда устоз Жомийнинг шогирди ва дўсти Алишер Навоий ҳамда унинг «Хамса»си ҳақидаги гўзал байтларни эслайлик. Жомий «Хиродномаи Искандарий»да Навоийни ўз «Хамса»си билан «Жоду дамлилар лаби муҳр босиб қўйди. Бу қаламга фалакдан офаринлар бўлсин» деб таҳсинлар айтади. Навоийни «Сўз устоди» деб таъриф этади.

***Хуросон мулкининг***
***пешравлари:***
***Жомий, Навоий —***
***назм сарвари,***
***Пиру муршиди***
***икки улуснинг,***
***Битта садафнинг***
***икки гавҳари.***

Кўпгина адабиётшунослар Жомий ва Навоийнинг устоз-шогирдлиги, танишуви, дўстлиги қачон бошлангани аниқ эмас, деб ёзишади. Нима бўлганда ҳам бу дўстлик, устоз-шогирдлик жуда эрта бошланган дейишга бир асос бордек. Ўлмас «Чор девон» ва «Хамса»ни битганидан сўнг Навоий умрининг охирги йилларида ҳам кўплаб дунёга машҳур асарларини ёзиб қолдирди. Шулардан бири «Мажолисун-нафоис» («Нафис мажлислар») асаридир. Ушбу тазкирада кўплаб шоирлар тилга олинган, ижодларига Навоий томонидан қисқа ва лўнда баҳо берилган. Шу жумладан, машҳур шоир Жалолиддин Румийнинг устози, пири Фаридиддин Аттор асарлари юзасидан у Абдураҳмон Жомийдан сабоқ олганлигини миннатдорлик билан эслайди.

Агар Алишер Навоийнинг болалик чоғларидаёқ (9-10 ёшида) Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарини ёд билганини, бу асарни ундан хавотирга тушган ота-онаси тортиб олиб қўйганини эсласак ва уни тушунишда Жомий сабоғини эсласак, демак ундан Жомий ва Навоий дўстлиги жуда эрта бошланган, дейиш мумкин бўлади.

Жомий ва Навоий дўстлигининг асосида, пойдеворида, ижоднинг гуллаб-яшнашида сўзсиз соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар яратган муҳит ётади. Ҳирот ва Самарқандда фан ва маданиятнинг бу даврда гуллаб-яшнашида нисбатан тинч, осойишта ижтимоий муҳит юзага келишида соҳибқирон Амир Темур, унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо, невараси Улуғбек Мирзоларнинг тарихий ўрни беқиёсдир. Кейин эса темурийзода шаҳзодалар ўртасидаги тожу тахт учун тинимсиз жанглар халқ осойишталигини бузди, халқнинг тинкасини қуритди. Бу ғавғолар Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда тахтга келиши билан қирқ йилга яқин тинчиган бўлса, Самарқандда Хожа Аҳрор Валий саъй-ҳаракатлари билан, унинг раҳнамолигида иш тутган Султон Аҳмад мирзо даврида осойишталик чорак асргача давом этди. Жомий ва Навоий ҳудди ана шу даврларда яшади, қизғин фаолият кўрсатди. Алишер Навоий ўз «Хамса»сини қиёматлик дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаган бўлса, Жомий «Ҳафт авранг» («Етти тахт») достонлар туркумини Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа темурий шаҳзодаларга бағишлаганлар.

Жомий ва Навоий ҳаётларида муштарак томонлар жуда кўп. Айниқса, уларнинг дастлаб Ҳиротда, сўнгра Самарқандда таҳсил кўришлари, ҳаёт кечиришлари, Самарқанд донишмандларидан Қозизода Румий, Хожа Фазлулло Абулайс, пири муршид Хожа Аҳрор Валий этагини тутиб, тасаввуф сулукига эътиқод қўйишлари бу даҳоларнинг кейинги фаолиятларига катта таъсир кўрсатди.

Навоий ва Жомийни XV аср шарқ адабиётида пайдо бўлган улкан икки тоғ чўққисига ўхшатиш мумкин. Навоийни Жомийсиз, Жомийни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин, улар Ҳирот муҳитида ҳамиша ҳаммаслак, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлдилар.

Жомий Навоий илтимоси билан адабиётни, ғазалларни уч девонга жамлади. Навоий Жомий фатвоси билан «Хамса» ёзишга киришди. Улар ўртасидаги ҳикоятлар, қизиқ воқеалар Алишер Навоийнинг устозига бағишлаган «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарида кўплаб келтирилган. Навоий ҳар бир йирик асарида Жомий шаънига ҳамду санолар, офаринлар ўқиган. Жомий пирлари Хожа Аҳрор Валий каби Навоийнинг подшоҳ саройидан кетмаслигини, вазирлик лавозимида қолишини истарди. «Сиз кетсангиз мазлумлар ярасига ким малҳам қўяди», дейишарди. Лекин Навоий барибир 1476 йили саройдан узоқлашиб, буткул ижодга шўнғиб кетади. Бу ҳақда у «Хамсатул-мутаҳаййирин»да тўхталиб, устози Абдураҳмон Жомийга саройни тарк этиш сабабларини тушунтириб, олдидан ўтади.

«Қўрқиб эрдимки манъ қилғайлар. Жавобдин билдимки, муборак хотирларига бу иш хийла нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жамъ бўлди», деб ёзади Навоий.

Шу ўринда Навоийнинг устоз Жомийга бағишлаган «Туҳфатул афкор» («Фикрлар туҳфаси») қасидасининг яратилиш тарихи кўпчиликни қизиқтирса керак.

Кунлардан бир кун Навоий хизмат юзасидан подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан Ҳиротдан Марвга боришига тўғри келиб қолади ва устози Жомийдан оқ фотиҳа олиш учун унинг олдига боради. Шунда яқиндагина Навоий мақтаган Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» номли қасидасига жавобан Жомий тезликда ёзган «Лужжатул-асрор» («Сирлар денгизи») қасидасини шогирди қўлига тутқазади. Жомий асаридан қаттиқ таъсирланган Навоий ҳам устозлар изидан бориб Марвга етиб келгунча йўл-йўлакай «Туҳфатул-афкор» қасидасини ёзиб тугатади ва уни чопар орқали устози Жомийга жўнатади.

Жомий Навоийнинг бу қасидасига жуда юқори баҳо берган, уни «бахт нишонаси», «Давлат ёрлиғи» деб атаган. Улар ўртасидаги бундай ижодий ҳамкорлик, дўстлик умрларининг охиригача давом этиб, бугунги кунда ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг рамзига айланди.

Шу ўринда бу икки улуғ инсон дўстлигига доир яна бир ривоятни эслайлик. Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот кўчасидан отда кетар эканлар, тўсатдан Навоий отдан тушиб ёш бир болага таъзим қилиб, уни бағрига босади. Ҳусайн Бойқаро дўстидан «Нега бундай қилдингиз» деб сўраганида, Навоий: «Бу устод Жомийнинг ўғлидир», деб жавоб берган экан. Устози ва дўсти фарзандини бу қадар ҳурмат қилган Навоий ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлса, не ажаб!

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Навоий Жомийнинг сўнгги дамларида ҳам бирга бўлган экан. Эмишки, оғир касал ётган Жомийнинг аҳволидан кундуз куни хабар олиб қайтган Навоий ярим тунга бориб, кўнгли бир нарсани сезгандек бир ўзи кечаси, ҳеч бир қўриқчисиз Жомий уйи томон от чоптириб кетади ва у билан видолашиб қолади. Жомий Навоий қўлида жон беради. Унинг дафн маросими бошида Навоийнинг ўзи туради ва уч кун мобайнида Ҳирот аҳли таъзиясини қабул қилади. Улуғ муршидга қирқ кун мотам тутган Навоий бутун умри давомида Жомий фарзандларига отасидек меҳрибонлик кўрсатади.

Бу фақир ҳазрат Жомий ва Навоий нафас олган, табаррук излари қолган Самарқандда улғайиб, улуғ зотлар қутлуғ меросидан баҳраманд бўлдим, улар таҳсил олган мадрасалар, истиқомат қилган маҳаллалар ҳавосини симирдим, хоки пойларини кўзимга тўтиё қилдим. Ўзбек ва тожик халқларининг қадимий ва адабий дўстлигининг муқаддас бешиги бўлган Самарқанди азимда — ер юзининг сайқали саналмиш муборак шаҳар фарзанди бўлганимдан фахрландим.

***Ҳироту Самарқанднинг***
***гулбоғларидан,***
***Ҳирируд, Зарафшон***
***қирғоқларидан,***
***Хиёбону Давлатхона***
***ҳам Кенагас,***
***«Унсия», «Боғи Хамса»***
***қучоқларидан:***

***Эсиб турган Навоий ва***
***Жомий нафаси,***
***Икки улуғ пиру муршид —***
***ҳомий нафаси,***
***Баҳра олсин келиб-кетган***
***аҳли аржуманд,***
***Тупроғидан кетмасин***
***ҳеч боқий нафаси!***

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Спорт



### Йўлланма эгалари маълум

Тошкентда эркаклар ўртасида шахмат бўйича мамлакат чемпионати биринчи лига ўйинлари якунланди.

Швейцарча услубда ўтказилган мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган турли ёшдаги 106 нафар "ақл гимнастикаси" усталари ўзаро дона сурдилар. Мусобақалар муросасиз кечди. Олий лигага бериладиган йўлланмалар эгалари номи сўнгги тур ўйинларида маълум бўлди. Самарқандлик Соҳиб Жўраев, тошкентлик Андрей Квон ва наманганлик Баҳодир Холмирзаевлар саккизтадан очко жамғаришиб, кучлилар сафига йўлланма олишди. Тўртинчи йўлланма эгасини аниқлаш эса қийин кечди. Мусобақа якунида 7,5 очкодан тўплашган пойтахтлик Евгений Пак ва Георгий Ли ҳамда самарқандлик Жўрабек Хамроқуловларнинг қўшимча кўрсаткичларини аниқлашга тўғри келди. Унда Евгений Пакнинг кўрсаткичлари юқори баҳоланди.



### Ўзбекистонлик ҳакам саралаш ўйинларини бошқаради

Осиё чемпионати саралаш ўйинларининг 1 март куни бўладиган "С" гуруҳидаги Уммон — Иордания учрашувини ўзбекистонлик тажрибали ҳакам Равшан Эрматов бошқаради, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Унга Аслон Хотамов ва Фарҳод Абдуллаевлар ёрдам беради.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!



# ЧЕГАРАДА СЕРГАК ТУРГАНЛАР

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси "Жануб" чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони Президентимиз Фармонига биноан Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланди. Куролли Кучлар тарихида ҳозирча ягона бўлган бу мукофот келгусида чегара қўшинлари шахсий таркибини янада юксак натижаларга эришишлари учун илҳомлантиришига ишончимиз комил.***

...Кичик сержант Умиджон Йўлдошев мамлакатимиз чегара ҳудудида бузғунчилар борлиги ва улар ўртасида отишма бўлгани хусусида хабар бергани заҳоти хатар гуруҳи зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб келади. Пост бошлиғи, катта лейтенант Алихон Аббосхўжаев бошчилигидаги гуруҳ аъзолари тезлик билан ўзларига қулай бўлган жойни эгаллаб, чегара бузувчиларини қўлга олиш учун барча ҳаракатларни ишга солдилар. Тезкор гуруҳ ходимларининг қидируви натижасида чегара бузувчилари қўлга олинди.

Хизматда кўрсатган жасоратлари ва ўз бурчларига содиқ қолиб давлатимиз сарҳадларини қўриқлашдаги қаҳрамонликлари учун катта лейтенант Алихон Аббосхўжаев, Умиджон Йўлдошев ва Санжар Мирзаевлар 2005 йил мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан "Жасорат" медали билан мукофотландилар...

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиз жанубий сарҳадларини мустаҳкам қўриқлаётган ҳар бир чегара постларининг ички ва ташқи ҳудудларини давр талаблари даражасида жиҳозлашга, обод қилишга катта аҳамият берилмоқда. Мазмуни ватанга муҳаббат, қасамёдига ва Президентга садоқат руҳи йўғрилган, сарҳадларимизни янада мустаҳкам қўриқлашга чақирадиган кўргазмали жиҳозларни ҳозирда барча чегара постларида учратиш мумкин.

Чегара постларидаги махсус ажратилган хона ва яхши жиҳозланган кутубхонада аскарлар хизматдан бўш пайтларида ўзлари севган китобларини олиб мутолаа қиладилар, газета ва журналлар ўқиб, сўнгги янгиликлар билан танишиб борадилар. Албатта, Ватан сарҳадини қўриқлаётган чегарачи жисмонан соғлом бўлиши керак. Бугун сарҳадларимизни қўриқлаётган аскарлар замонавий спорт анжомлари билан таъминланган спорт залларида машғулотларда қатнашадилар.

Термиз чегара районига қарашли постда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чегара пости ҳовлисидаги спорт майдончаларида аскарлар олдиндан белгиланган режа асосида спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланадилар. Бу эса уларнинг соғлом, бақувват бўлиши, қолаверса, хизматни олиб бораётганларида ҳар қандай жисмоний оғирликларга бардош беришлари учун хизмат қилмоқда.

Жисмоний машғулотлардан сўнг чегарачилар бассейнда маза қилиб чўмиладилар ва ўзларининг соғлиқларини янада мустаҳкамлайдилар. Ҳар бир чегарачи хизматга чиқиб кетишдан олдин албатта, малакали тиббиёт ходими, кичик сержант Зулхумор Усмонова томонидан кўрикдан ўтказилади. Бу ерда чегарачи соғлиғига боғлиқ ҳар бир ҳолатга масъулият билан қаралади.

Чегарага жалб этилиши лозим бўлган аскарлар хизматга чиқиб кетишдан олдин улар назарий билимларни яна бир бор такрорлайдилар. Чегара пости офицерлари аскарлар учун назарий билимнинг аҳамияти нақадар улкан эканлигини жуда яхши билишади.

Чегарачининг соғлом бўлиши учун у тановул қилаётган озиқ-овқатлар сифатининг аҳамияти каттадир. Замонавий жиҳозланган фитобар, барча қулайликларга эга бўлган пост ошхонаси бугунги кунда чегарачи аскарлар ихтиёрида. Бу ерда аскарлар витаминга бой, турли шифобахш ичимликлар ичиш билан бирга, сифатли тайёрланган мазали таомларни тановул қиладилар.

Биз мамлакатимизнинг жануб сарҳадларида жойлашган бу чегара пости ҳаёти билан танишар эканмиз, пост бошлиғи, капитан Илҳомжон Сотволдиев ҳозирги пайтда чегарачилар хизматини шу кун талаблари даражасида олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини фахрланиб гапириб берди.

Чегарачи аскарлар доимий равишда гуруҳ-гуруҳга бўлинган ҳолда бобомиз Имом ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишга олиб борилади. Боболаримиз меросини ўрганиш, қолаверса, бу зиёратгоҳларни аскарларнинг ўз кўзлари билан кўришлари ва танишишларининг аҳамияти жуда катта.

Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлар чегара постларини айланар эканмиз, аскарларнинг ўз хизматларини давр талаблари даражасида олиб боришлари учун барча қулайликлар, шароитлар яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар талаби бўлиши билан бирга миллий армиямизга кўрсатилаётган катта эътибордир.

**Подполковник**
**Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ.**
**Ярослав КОРУКА**
**олган сурат.**

# Қуръони Каримнинг қадимий нусхаси

## Дунёнинг хазинаси

Қуръоннинг илк Ислом давридаги қадимий нусхалари ҳам сақланган. «Усмон Мусҳафи» деб аталадиган Қуръоннинг Тошкент, Қоҳира, Истамбул ва Топи Капу музейи нусхаларигина маълум. Шу нусхаларнинг қай бири қадимий ва халифа Усмон ўқиган нусха эканлиги ҳозиргача аниқланмаган.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида Қуръони Каримнинг 1 варақдан иборат қадимий куфий хатида, терига ёзилган нусхаси мавжуд бўлиб, у қўлёзмалар фондидаги энг қадимий нусха ҳисобланади. Бу нусха Бухоро қозикалони бўлмиш Садри Зиё кутубхонаси орқали институт хазинасига келиб тушган. Садри Зиё номи билан танилган Шарифжон Махдум ўз даврининг илғор фикрли кишиларидан бўлиб, ҳақиқий китоб мухлиси эди. Институтда сақланаётган 2367 рақамли асар унинг мусаввадас (қораламаси) бўлиб, унда Садри Зиё ўз шахсий кутубхонасида сақланаётган барча китобларининг рўйхатини келтирган. 2460 рақамли қўлёзма асари ҳам юқорида эслатилган 2367 рақамли китобга илова тарзида ёзилган. Бу қўлёзмада муаллиф ўз қўлида сақланаётган қўлёзма асарларнинг бирма-бир тавсифини беради. Биз юқорида тилга олган Қуръоннинг бир варақ нусхаси ҳам 2460 рақамли, шу фиҳристнинг 175 а-б саҳифаларида тавсиф қилинган.

Садри Зиё бу варақнинг ўз қўлига тушиб қолиши ҳақида шундай дейди: «Бу билимсиз банда Ҳазрати Яздон (Аллоҳ)нинг марҳамати билан бу улуғ давлатга восил ва бу қутлуғ неъматга ноил бўлди. Унинг (яъни Аллоҳнинг) бу улуғ атоси ва бу беқиёс марҳаматнинг шукрини адо қилишга одамларнинг ҳақирроғи (яъни Садри Зиё) қодир эмасдир».

Бироқ олимларнинг кейинги тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бу варақ аслида Шаҳрисабз яқинида жойлашган Катта Лангар қишлоғидаги Лангар ота мозорида сақланган Қуръони Каримнинг бир варағи экан. Тахминларга кўра, бу Қуръон Амир Темур ёки Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор томонидан араб давлатларидан келтирилган. Садри Зиё ва Ҳишмат уни Ҳазрат Усмоннинг хати деб қайд этганлар. Шарқшунос олим М. Массон ҳам шундай фикрда бўлган. У Катта Лангар Қуръонида халифа Усмон шаҳид қилингандаги қон доғлари борлиги ҳақида ёзган бўлса-да, бироқ олим Б. Бобожонов бу нусханинг 63 варағини ўз кўзи билан кўргани ва расмга туширгани, бироқ унда ҳеч қандай қон доғлари бўлмаганини баён қилади. Шарқшунослик институтидаги 1 варақда эса доғларни яққол кўриш мумкин. Лекин бу доғлар ҳақиқатан қон доғлари ми ёки йўқми, орадан шунча асрлар ўтгандан сўнг бир нарса дейиш қийин. Бу ҳақда шарқшунос олим А. Ҳасанов, «Ниҳоят, энг нозик муаммо — Тошкент (Мовароуннаҳр диний идораси кутубхонасидаги) Усмон Қуръони саҳифасидаги қора доғлар масаласи. Ҳақиқатан ҳам, улар халифа Усмон қонининг изларими? Агар шу тахмин тасдиқланса, унда Тошкент Қуръони тарихда биринчи ёзилган Қуръон бўлади» деб ёзган эди. Бундай доғлар Қуръоннинг бошқа қадимий нусхаларида ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш керак.

Баъзи олимлар Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасидаги бу нусха Ҳазрат Усмон ёки Ҳазрати Алий даврида эмас, балки кейинроқ кўчирилганини айтадилар. Бунга далил қилиб, нусхадаги зеру-забарлар мавжудлигини кўрсатадилар. Ҳазрати Усмон ва Алий давридаги ёзуvларда ҳарфларга ҳаракатлар ҳам, нуқталар ҳам қўйилмаган, деб далил келтирадилар. Буни аниқлаш олимлар олдида турган вазифалардан биридир. Бироқ, қандай бўлмасин, институтимиз Қўлёзмалар фондида сақланаётган ва куфий хатида терига ёзилган Қуръони Каримнинг бир варағи ўтмиш маданиятининг диққатга сазовор ёдгорликларидан биридир.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**тарих фанлари номзоди.**

«VIRA INTERPRAYZIZ» МЧЖ

бир лаҳзали «ИШОНЧЛИ ЎЙИН» пул-буюм лотереясида 40 та «Daewoo MATIZ» русумли автомашина ўйналган. Биринчи чиқарилган чипталарни сотиш ниҳоясига етганлиги муносабати билан ютуқли чипталар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб уч ой мобайнида тўлов учун қабул қилинишини маълум қилади.

Юқорида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ютуқли чипталар тўлов учун қабул қилинмайди.

2107Я/218

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Анварович Исламовга акаси

**Қаҳрамон Анварович ИСЛАМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раиси Г. К. Саидовага падари бузруквори

**Карим САИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди раиси Тўйчи Қўшатовга падари бузруквори

**АДОЛАТ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси вазирлик бўлим бошлиғи Мирхамид Тўраевга падари бузруквори

**МИРОБИД отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 0.25 1 2 3 4 5